

Гарчи у биологик жихатдан факат Жозе Атаиднинг ойиси бўлишига карамай, хамма уни «ойижон» деб чакиради. Хаммага бирдай Ойижон бўлиш гохида унинг газабини кўзгатмай колмасди. Бир гал Жозенинг Жон исмли ўртоғи уни «Ойижон» деб чакирганида, у тутокиб кетиб «Сени тугиб кўйганманми ўзи, бундан буён мени «холажон» деб чакир!» дея койиб берган. Кўркиб кетган Жон бир неча бор уни «холажон» деб чакириб кўрди, лекин сал ўтмай кайтиб бошдан ўз билгича «Ойижон»га ўтиб олди.

Эри Бомбайда вафот этгач, Ойижон Шаркий Африкадаги Уганданинг Энтеббе деган жойига ўгли билан кўчиб келган эди. Бомбайга эса иш кидириб, оиласи билан Гоадан келишганди. ўгли Шаркий Африкага тузукрок хаёт илинжида кетиб, давлат босмахонасида яхшигина иш топган, босмахона иши, китоб муковалаш кабиларни ўрганиб, кўшимча харажатларни коплашга етарли пул топарди. У икки йилча аввал уйланиб хам олганди. Бир неча йил астойдил меҳнат килиб, ўгил барча шароит мухайё, учта ётоқхонали, помидор ва бошка турли сабзавот хамда атиргул ўсадиган богчаси бор замонавий уй эгасига айланганди. Гоа ва Хиндистондаги кашшоклик фасли ойижон учун ортда колгандай эди.

Факат батамом эмас. Африкага келганида, у Гоа канчалик дахшатли бўлганини гапирарди. Бирок, эрининг Гоадаги ота-бобосидан колган уйига тез-тез бориб турар экан, унинг илк гапи «Бе-е, Африка кандай кўркинчли! ўзимнинг уйимдан айланай!»дан иборат бўларди. Одамлар бу аёл нима истагини билмайдиган, истаган нарсасини топганда эса, уни асло топишни хохламаган аёллар тоифасидан деб билишарди. У ризки каёқдан келишини билмай халак бўлган онларини хеч хам унутолгани йўк. Балки эрталаб кўзини очиб, оиласини кайта илгаригидай камбагал бўлиб колганини кўрар. У бирор нарсани кўпрок ишлатиб ё йўкотиб кўймадимми, дея хавотирга тушаверарди.

Бирок, кунларнинг бирида у ўзининг эхтиётли аёл эканини унутди. Ойнадан ўгли Жозе билан келини Мариананинг «Фиат-1100» машинасига ўтириб ишга кетаётганларини кузатар экан, бирдан кўзи йўл четидаги Вилли да Кунхага тушди. У велосипед минишни ташлаган, чунки шу кунларда бу унинг обрўсини пастга урар, лекин бир амаллаб машина сотиб олишга хам курби етмасди. Вилли тиббиёт дўконида ишларди. Юришлари ноўнгайми? Ишга кеч колмайдими бу ахволда? Ойижон мўралаб, осмоннинг корайиб келаётганини кўрди, афтидан довул турадиганга ўхшайди. У Вилли ишхонасига жала куймасидан аввал етиб бора олармикин, дея хавотирланди. Айтганидай, бир зумда ёмгир бошлади. Кўккисдан куйиб берган жала Хиндистон ва Гоадаги каби кучли эди.

Ойижон тўсик оралаб эшикка томон келаётган шарпани кўрди. Ё Алхазар! «ўзинг кечир!» Унинг юраги кинидан чикаёзди, курсига ўтирар-ўтирмас эшик такиллади.

“Ойижон!” – Бу Вилли да Кунха эди. Ойижон эшикни очишга кўзгалмади, лекин Вилли асабийлашиб эшикни такиллатаверди. «Ойижон! Ойижон!»

Овоз ички томондаги эшикни гурс-гурс ураётган каби эшитилгандагина у секин ўрнидан турди. Чивин киришидан саклайдиган сим тўсик оркали ташкарига мўралади. Виллининг боши хўл эди. Бир гал тунда кучли жала куйган, тепаликдаги лойни остонага ювиб тушганди. ўшанда, машинани ташкарига суриб чиқаришга уринишар экан, лойга коришган коп-кора ўлик каламушларни кўриб котиб колишганди. Каламушнинг думи айни пайтда Виллининг такир бошидаги яккам-дуккам хўл сочларга жуда ўхшарди.

«Ойижон!»

Виллининг кўйлаги жикка хўллигини сезган Ойижон эшикни очди.

«Ичкарига кир!» - деди у.

«Ойижон, соябонингизни бериб тулинг, йўкса, хаммаёгим хўл бўлиб, ишга хам боролмай қолишим мумкин.»

Соябон дейдими? Йўг-е, ўзи биттагина соябони бор холос-ку! Йўк, ҳеч қанақасига уни бера олмайдим. Лекин қандай қилиб, йўк хам дея олсин?

«Атаид хоним, - ялина бошлади Вилли синик ясама тишларини кўрсатиб. – Худо ҳақки, йўк деманг, бизнинг Илохамиз қилган яхшилигингизга қатта муқофот беради хали».

Худо ва Бокира Аёл тилга олингани учун Ойижоннинг йўк дейишга тили бормади.

Қолаверса, Вилли унга «Атаид хоним» деб мурожаат қилганди. «Майли, пича қутиб тур, ҳозир олиб чиқаман», - деди у қўнгли бўлмади ва ичкарига қириб ўнгиб қетган қичик қора бир нарсани қўтариб чиқди.

«Раҳмат сизга» – деди Вилли ташқарига юраркан соябонни очишга уриниб.

«Илтимос, уни эҳтиёт қил», - деди Ойижон, лекин қўнглида қандайдир афсусланиш туйди. «Бирпас қутиб тур, сочик олиб чиқаман сенга.»

Лекин сочик олиб қайтуғунча Вилли жуфтасини ростлаб бўлганди. Яхшиям қетмасидан аввал соябонни қайтариб олиб қелишини тайинлаган экан-а! Уни авайлаб ишлатармикин ишқилиб? Виллини хамма маст холда тентираб юришини яхши биларди, балки хали шунинг учун хўлга ботишини шама қилиб ўтгандир. Атрофдагилар хотини билан ҳар доим жанжал қилишига унинг ичкиликка ружу қўйгани сабаб дейишарди. Ичкилик – гоалиқларнинг лаънати одати. Да Қунха ҳадеб ичаверганидан боласи хам бўлмаган, бу балодан ҳеч қутулолмайди у, дейишарди одамлар. Лекин соябонни олди-ю қетди, боласи тушмагур.

Ойижон эрталабни жуда бетокат ўтказди. Ёмғир тиниб, кўкда қуёш кўринди. Дарахтлар орасидан ялтираб жилваланаётган Виктория Қўлига назар солди у. Бояги қувнок қайфиятидан асар хам қолмаганди. Назарида, Вилли да Қунха соябонни ишхонасида унутиб қолдирадиган ва биров уни ўғирлаб қочадигандай туюлди. ?еч қимга ишониб бўлмади қолди ўзи. Яхшиси, ошхонада овқат тайёрлашга ёрдам бериб, фикрларини қалғитиб тургани маъқул. Акс холда ошпаз хам қоидага амал қилмаслиги мумкин. Жозе бу ошпазни Ойижон Гоага қетганда ёллаган, у гоача таом пиширишга устаси фаранг эканлигини айтиб ишга қирган, бироқ, Ойижон унинг ишини ҳамиша қузатиб турмаса бўлмасди. У ошхонада йўқлигида ошпазнинг шақар ёки туздан пича ўғирлаб қўйиш одати бор эди. Ойижон ошхонага ўтиб, ошпазга турли буйруқлар бериб, унинг «масала» деган таом учун гуруч, гўшт ва сабзавотларни тўғри ўлчаяпқанлигини текшириб турди. Бекорга ҳеч нарса исроф қилинмаслиги керак ахир. «Масала»нинг янчилишини диққат билан қузатар экан, таомнинг тайёр бўлганига ишонч ҳосил қилгачгина, сал-пал қўнгли жойига тушди.

Ташқарида машина овози эшитилди, ох, Жозе билан Марина ишдан қайтишдими? Маринанинг ишхонаси – Жамоатчилик Ишлари Департаменти – Жозенинг иш жойига жуда яқин бўлганлиги учун, у доим йўл-йўлақай хотинини олиб уйига қайтади. Аксига олиб, ошпаз тушлик учун дастурхонни хали тузаб бўлмаган, дастурхонга тарелка қелтириб қўйилгунча, Ойижон бориб эшикни очди.

Овқатланиб ўтиришаркан, Ойижон ўзини хотиржам тутишга уриниб ўғлидан «Вилли да Қунхани тушлик қилиш учун уйига қелаётганини кўрмадингларми эҳтиёт?» дея сўради.

«Йўк, Ойижон, нега уни сўраб қолдингиз?»

«У соябонимни фойдаланишга олиб турганди!»

«Нима! – таажжубланди Марина, - ахир унинг гирт пиёнисталигини биласиз-ку, бу маст кургур бор пулини ичкиликка сарфлайди-я. Гаров ўйнайманки, у соябонингизни бирор хизматкорга сотиб, пулига арок олиб ичади.»

Ойижон хушидан кетишига сал колди. Жойидан аранг кўзгалиб, хонасига бориб ёнбошлади.

«Ойижон! – чакирди Марина ташкаридан, - сизга нима бўлди, тузукмисиз? Вилли хакида айтган гапларимдан хафа бўлдингизми? Хазиллашдим-ку ахир, ойижон!»

Лекин у чурк этгани йўк.

«Нима бўлганда ҳам соябонингиз жуда эскириб кетган эди, - деди Марина ётоқхонага сочини тарашга ўтаркан, - унинг пулига ичкилик келармиди?»

Бу нарса соябонни сотишдан тўхтатиб қолиш учун етарлими эди! Нахот Марина кўлбола ичкилик одатдагисига караганда анча арзон эканлигини унутган бўлса? Шундай бўлмаганда, хизматкорлар хар куни ичиб маст бўлиш учун пулни каёқдан топишарди дейсиз? Ойижон болалари ишга кайтиб кетгунича ўзини ухлаганга солиб ётди.

Вилли да Кунха эшик ортида илжайиб турарди. «Ойижон, - тиржаяди у, - мана, олинг соябонингизни.»

Ойижон ялтирок бир нарса бадбўй суюкликка айланишига тикилиб караб колди. Югуриб бориб уни ушламокчи эди, лекин бармоклари орасидан сиргалиб, ерга тушай деганда, йўк бўлиб кетди.

«Яхши колинг, - унинг устида кулди Вилли да Кунха ва кўлларини канотдай кокиб осмонга кўтарилди. У аста кўздан гойиб бўларкан, Ойижон унинг аллакандай бир йирткичга айланиб колганини кўрди.

«Йўкол кўзимдан, махлук!» - кичкирди у. Гўзиллаб келаётган машиналар шу ондаёқ тўхтаб колди ва каттик сигнал чалаберди. Бу овоз унинг аклу хушини олди. Чўчиб уйгонди Ойижон. Улар кайтишибди! Икки соатча чамаси кўзи илинибди ўзиям. Иргиб тураркан, эшикни очишга ошиқди у. Хизматкор ҳамма нарсани тахт килиб кўйибди. Стол устига пиёла, усти ёпилган чойнакда кайноқкина чой, бир кўза сут, шакардон ва Ойижон ўтган байрамга тайёрлаган мевали ширинлик кўйилганди.

Хаммалари чой ичишга ўтиришди.

«Вилли да Кунхани кўрмадингми?»

«Нега Ойижон хадеб сўраяпсиз уни, - хит бўлгандай сўради Жозе, - Виллини унутинг, соябонингизни еб кўймас ахир! Кайтиб беради-да уни.»

Эх, Жозе нимани ҳам биларди! У бу уйдаги хаёт кийинчиликларини четлаб ўтди.

Нарсаларнинг кадр-кимматини билгани йўк. Ундан ёрдам кутолмайман, ўйлади Ойижон.

«Хей, - деди Жозе деразадан караркан, - кеч коляпмиз-ку!» Кампала Гоа институтидан ташриф буюран жамоа билан бўладиган аёллар хоккейида Марина химоячи сифатида катнашиши, Жозе эса хакамлардан бири бўлиши керак эди-ку. Деразадан караб тепалик томондаги хоккей майдонини кўрса бўларди. Бир нечта машина тўхташ жойига кўйилган, аллақачон уч-тўрт ўйинчи майдонга тушганди. Гоаликлар спортни жуда яхши кўришар, бирорта ўйинни колдиришмас, ё ўйинчи ё хакам бўлишар, ҳеч бўлмаганда, томошабинликни койиллатишарди. «Тезрок бўл, азизам», деди Жозе сакраб ўрнидан тураркан. Улар шошилганча ётоқхонада кийимларини алмаштиришди-да, кўчага отилишди.

Бу ёшларга хайронсан, қачон карама ховликиб юради, ўйлади Ойижон жахли чикиб.

Тўгри-нотўгрининг фаркига ҳеч боришмайди-да.

Ошпаз уйдан чиқиши билан, Ойижон кўчага қиядиган кўк гулли узун кўйлагини кийиб,

хар томонга ёйилиб кетган жўжаларини кидириб юрган она товукдай лапанглаб ташкарига чикди. Бошининг орка тарафига махкам турмакланган сочи, кўзларини катталаштириб кўрсатадиган кўзойнаги, киска, ammo илдам кадамлари чиндан ҳам товукни эслатарди.

Асосий йўлга ўтаркан, кўча бўйлаб тез-тез юриб борди у. Уларнинг уй раками 22, Виллиларники 34 эди. Ойижон Виллининг уйига келиб, эшикни каттик такиллата бошлади.

«Ходи!» - чакирди у.

Чурк этган овоз йўк.

Олдиндан билганди-я шуни! Бу одамга ишониб бўлмайди деб айтганди-я.

«Хўжайин ухлаб ётибдилар!» – Бу ховлида тентираб юрган ошпазнинг овози эди.

«Нима-нима, ухлаб ётибди дейсанми? Куппа-кундуз куни, соат беш яримда-я? Кимни лакиллатаман деб ўйлаяпти ўзи?

«Бу уйнинг бекаси каерда?» - сўради Ойижон.

«Бекам ўйинга кетдилар.»

Есим курсин, у ҳам ўйин жинниси-ку. Бекаси марказий хужумчилардан бўлиб, жамоага энг кўп очко келтирадиган ўйинчи эди.

Ойижон асосий ётоқхонанинг деразасига тирмашаркан, овози борича «Ей ярамас, бу ёкка чик кани!» дея бакирди. «Биламан, ичкарида писиб ётибсан!»

Панжара олдида кўзларини сузиб бир киши кўринди. «Нима... ким у... нима бўляпти бу ерда?» Ё алхазар! Хатто панжара ортидан лаънати ичкиликнинг хиди гупиллаб Ойижоннинг юзига урилди ва у ортга чекинишга мажбур бўлди. Бу гўрсўхта ишхонада ичишдан ҳам уялмайди!

«Соябоним! - хириллаган овозда ўшқирди Ойижон, - кани у?»

«Нима?.. – ўхчиди маст, - канака... нима?»

«Менинг соябоним! – кичкирди Ойижон, - бугун эрталаб мендан олиб турувдинг-ку!»

«Сизнинг... нимангиз?.. – алахсиди маст гандираклаб. Кўли билан хайвонот богидаги маймунга ўхшаб бошини кашиди, ниманидир эслагандай бўлиб «хааа, сизнинг соябонингизми, ха, йўк, у менда эмас.»

«Нима деддинг?» – Ойижон бир кадам ортга чекинди ва ёмгирда юмшаб колган ерга тойилиб кетишига сал колди. Унинг ўйлагани рост чикди! Бу одам чиндан ҳам товламачи экан!

«Йўк, халиги... мен уни жаноб Коелхога карзга бериб юбордим.»

«Канака Коелхо, кандай килиб?»

«Бен – Бенжи. У... у ёмгирда уйига кетмокчийди. Хотинини кўргани. Кайтариб бераман деб айтди.» Шу гапларни айтиб, бу нусха кўздан гойиб бўлди.

Ойижон ойнага якин келди, лекин мастнинг туркини бошка кўрмади. Бу бетинг кургур маст-аласт бўлиб ётаркан, кутиб ўтиришдан нима фойда? Яхшиси Ойижон Бенжи Коелхони ахтариши керак. Коелхо деганлари бунисидан кам эмасди. Одамлар унинг ичволиб хотини билан жиккамуш бўлишини яхши билишарди. Якинда хотини гоаликлар орасида жанжал кўтариб, эрининг устидан милитсияга арз килди. Маринанинг тогаси ишни бости-бости килишни сўраб, милитсияни ишонтиргунча она сути огзига келди. Бундай муаммолар факат гоаликларнинг орасида, бегонани аралаштирмасдан хал килинмоги керак ахир!

Ойижон йўлдан ўкдай кесиб ўтаркан, ўзича гудур-гудур килиб кетаберди. Хали анча юриши керак. ўгли Жозе машина сотиб олгандан буён Коелхонинг уйигача бўлган

масофани пиёда босиб ўтмаганди-я. Лекин айна пайтда у масофа хакида мутлако ўйламаётган эди. Арок сотиб олиш учун соябонни сотиш эхтимоли хануз йўқ эмасди. Ойижон йўлда кетаётганларни зўрга илгар, хансираб-хансираб борарди. Ахири, кўзлаган жойига етди. У икки асосий йўлнинг бурчагида аёллар шляпасига ўхшаган, эски русумдаги айвонли, ярми ажратилган бир уйнинг рўпарасида тўхтади.

Эшикни такилатди у.

Ичкаридан дод-вой эшитиларди. Нима бўляпти ўзи? Бировни ўлдиришяптими? Эшик тугмасини босишга иккиланди Ойижон. Лекин соябон нима бўлади? Аста итарганди, эшик очилди.

«Сен, харомисан, нимага хам отамнинг гапига кўнган эканман-а? Каёқданам сенга уйландим?»

Ойижон оёк учида юриб ичкарига кирди.

Бир шиппак визиллаб кулоги олдидан учиб ўтди. «Менга ўхшаган тентак бўлмаган-да, сенга ўхшаганларга ҳеч ким уйланиб ўтирмасди!» Ойижон бетартибликни ёқтирмасди. У шиппакни ердан олди.

Ичкарида жанжал бўлаётгани сезилди. Ойижон мехмонхонага сукилиб кирди. Коелхо хоним у ёқдан-бу ёққа иргишлар, кўлида бир пой шиппак, ерда стул аганаб ётар, чамаси унинг устидан сакрамоки бўлган.

«ўзинг уччига чиккан алдамчисан! Ахмок! Сен Африкада катта одамман деб менинг отамни аврагансан! Сенга факат молу давлатим, сепим керак эди холос! Сендан кўрганим шуми?»

«Вой такводор ярамас-ей! – Бенжи Коелхо кўзларини девордаги икки чирок билан безалган Мадоннанинг портретига кадади. – Художўй иккиюзламачи! Черковингдан бошқасини билмайсан! Бор будингни ўша черковингга икки кўллаб бериб юбординг-ку! Мен бирор чакангни ишлатдимми ўзи?» У Ойижонга ишора килди: «Мана, сиз айтинг, ишлатдимми?!»

«Мен... мен истайманки...» - дудукланди Ойижон.

Шу онда Коелхонинг кўлидаги ёстик учиб бориб хотинининг кенг кўкрагига бориб тегди. Коелхо хоним ерга энгашиб қандайдир курулни кўлига олди. Уни боши устига кўтарди у. Бу курул кора эди. Бу... соябон эди. Айна Ойижоннинг соябони!

Ойижон диванга чўкиб колди. Хаммаси тугади.

«Шиппакни менга беринг!» – деди жаноб Коелхо Ойижонинг олдига келиб унинг кўлидан юлкиб оларкан. Бир харакат билан крикет ўйинчиси каби уни отиб юборди. Шиппак учиб бориб кўтарилган халиги кора буюмга тегди. Соябон такиллаб полга тушди.

«Товламачи! – кичкирди Ойижон оёкка калкиб. – Икковинг хам бир-бирингдан баттарсан! Качон карама уришганинг-уришган, бошқаларни хам жанжалга тортасанлар доим. Ҳеч кимни ҳурмат қилиш йўқ! Хатто Худони хам! Ҳеч нарсани! Сен топган-тутганингни ичкиликка сарфлайсан, сен эса, хотин бўлиб, эрингнинг кўнглини олишни ва назоратда тутишни билмайсан! Маймунга ўхшамай кетларинг! Иккиюзламачилар! Мукаддас Бокира Аёл олдида ўзингизни кўрсатмокчимисиз? ўша кишлогингиз Маликриёдни ташлаб келмасангиз гўрга эди! Лаънат сизларга!» Орага жимлик чўқди. Коелхолар турган жойида тарашадай котиб колди. Девордаги Мадонна хиссиз бокиб турарди.

Ойижон бориб соябонни олиш учун эгилди. У кўлини тим мато остига тикиб, уни юкорига сурди. Кўршапалак уйғониб кетган кўйи кора мато канот ёзди.

Худди мукаддас бир буюмдай уни ўнг кўлида ушлар экан, Ойижон чап муштини силкиб, ўдагайлади. «Кайтиб соябонимни бировга берганим бўлсин!»

У соябонни боши устига қўтарганча, кувониб у ёқдан бу ёкка юра бошлади. «Улар бир-бирлариники бўлган, бир-бирлари билан яшаган холда ит-мушукдай уришиб-тортишадилар! - деди у. – Мен-чи, мен, неча йиллардан буён Унинг хотираси билан якка-ёлғиз яшадим ва хануз Унинг менга қилган азиздан азиз шу совгаси – соябоннинг соясида яшаб, умрим адо бўляпти...»

Одамлар очик, илик хавода соябон қўтарган бу қарияга бир нима бўлганми, дея қараб-қараб қўйишарди. Шу кампирларга хайронсан-да ўзи. Гохи гохида улар худди телбаларга ўхшаб, ўзларига ўзлари гапириб юришади-я...

Инглиз тилидан Аъзам Обидов таржимаси